Ушбу сонда:

2 ФЬЮЧЕРС ШАРТНОМАСИ: ҚОҒОЗДА БОРУ АМАЛДА ЙЎҚ

3 ШИФО МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

4 *Шукрона* МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 2 март, жума №34 (1048)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Миллий хавфсизлик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда ҳарбий қурилишнинг долзарб масалалари, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга доир муҳим чоралар, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўпорувчи-террорчи гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган тажовуздан ва бошқа жиноий таҳдидлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга доир вазифалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ҳудудларига жиноятчи тўдаларнинг ҳарбий таҳдидлари такрорланишининг сабаби, аввалambor наркотик қўлами кенгайиши ва минтақада диний экстремизмнинг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, мамлакатимиз хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга доир самарали чоралар кўрилишини тақозо этмоқда. Бундай шароитда мамлакатнинг ягона мудофаа тизимини, қўшинлар, ҳарбий қисмлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг ишончли механизмларини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

2000 йилнинг ёз-куз мавсумларида Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларига суқилиб кирган террорчи жиноятчилар тўдаларини тўхтатиш ва йўқ қилиш борасида олиб борилган операциялар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий округлар қўмондонлиги, ҳарбийлаштирилган вазирликлар ва идоралар олдига мамлакат Қуролли кучлари қўшилмалари ва қисмларининг ҳарбий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, уларни замонавий қурол ва техника билан таъминлаш, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлай оладиган тезкор ва профессионал тайёргарлик кўрган бўлинмаларни шакллантириш масалалари кўйилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясида бўлиб ўтган тантанали анжуман барчанинг ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. Унда ўтган йил натижалари бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган, «Ўз касбининг устаси» танловида ғолиб чиққан темирйўлчиларнинг вакиллари тантанали суратда тақдирландилар. Компания раиси Р.Зоҳидов ҳамда темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси А.Абдураҳмонов танлов ғолибларига тегишли гувоҳнома ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

Бу тонгни баҳористонликлар меҳнат кўтаринкилиги билан қаршилашди. Ташкилот ва муассаса ходимлари, ўқув юртлари талабалари эрталабдан қўлларига белкурак ва турфа кўчатлар олиб туман марказидаги истироҳат боғи томон ошиқдилар.

— Туман «Пахтабанк»ининг Помуқ бўлими ходимлари ҳам ҳашарда фаол иштирок этишмоқда, - дейди туман ҳокими ўринбосари Худойберди Қараев. — улар бугуннинг ўзида 150 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказишди.

Дарвоқе, шу куни Зариф Шамсиев, Қаҳҳор Ҳалимов, Мунира Музаффарова, Илҳом Жўраев, Азиз Ашуров сингари ишчан ходимлар алоҳида ўрнак кўрсатганлиги учун туман ҳокимлигининг ташаккурномасига сазовор бўлдилар. Улар ишлаб топган маблағнинг 4600 сўми «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига ўтказилди.

Катта йўлнинг ўнг томонида ғайрат кўрсатаётган туман маданият бўлими вакиллари томон юрамиз. Уларнинг ободонлаштириш тадбирида ҳамжиҳат иштирок этаётганликларини кўрдик. Қисқа фурсатда 30 нафар одам 200 тупдан зиёд ниҳол қадашга улгуришибди. Туман марказий шифохонаси ходимларининг ҳам шашти баланд. Тиббиёт бирлашмасининг 150 нафар ходими шифохонанинг гулзор ва йўлакларини тартибга келтириб, дарахтларни оқлаётган, ерни юмшатаётган эдилар. Умуман ўша куни Баҳористон тумани бўйича 10500 га яқин киши ҳашарга чиқди. 160 минг сўм маблағ «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига расмийлаштирилди.

Якшанба куни Помуқ қишлоқ қабристони ҳамда Исоқ ота зиёратгоҳида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари амалга оширилди. Бу савоб ишда туман фермерлари ҳам қараб турмадилар. «Намуна», «Бободеҳқон», «Боборавшан» фермер хўжаликлари аъзолари айниқса ғайрат кўрсатишди. Шу ўринда помуқлик ҳам бундай хайрли ҳаракатга муносиб ҳисса қўшишди.

Дарҳақиқат, савобга нима етсин. Ўтган ҳафтадаги тадбирда кўп қатори Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ходимларидан юзга яқин одам иштирок этди. Унумли ишдан сўнг ушбу жамоа аъзолари кўплашиб касалхонада даволанаётган касаба уюшма фахрийси Халил Нуриев ва вилоят кенгашида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган Тўйчи Рўзиевни бориб кўришди. Уларнинг кўнглини кўтариб, тезроқ соғайиб уйга қайтишларига тилак билдиришди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Қашқадарё

72 ёшли Чоршам бобо Андаевнинг ҳимматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан тўрт йил аввал «Озод» деҳқон хўжалигини ташкил этган отахон ернинг бир қисмида терак қаламчалари етиштиришга киришган эди. Кўп ўтмай қаламчалар бўй кўрсатди. Икки йилдирки, Чоршам бобо ўстирган кўчатлардан теракзорлар яралмоқда. Ҳашар кунлари табаррук отахон эзгу мақсадлар учун минг тупдан зиёд терак кўчати етказиб берди. Шунингдек, туман ўрмон хўжалиги бўлими ходимлари ҳам бундай хайрли ҳаракатга муносиб ҳисса қўшишди.

Сирдарё

Наврўз байрами арафасида Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ижтимоий-маданий ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган 45 та янги объект фойдаланишга топширилади.

- Наврўз янгиланиш, тикланиш ва яратиш тимсолидир, - дейди вилоят ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири Р.Абдусаломов. - Шу сабабли қурувчилар барпо этилаётган ва қайта таъмирланаётган объектларни Наврўз байрамигача тугатишга интилмоқда. Ширин туманидаги 24 хонадонга мўлжалланган қулай ва шинам тураржой биноси, Оқолтин туманидаги 900 ўқувчига мўлжалланган иқтисодиёт коллежи, Меҳнатобод туман ветеринария станцияси учун барпо этилаётган янги бино қурилишини тугаллаш, Ховос туманидаги Чирой қишлоғини газлаштириш, Шароф Рашидов туманидаги «Сардоба» тарихий ёдгорлигини қайта қуриш ва ободонлаштириш шулар жумласидандир.

Тошкент

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида «SOS-Ўзбекистон Болалар маҳалласи» меҳрибонлик уйи фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

САХОВАТ ВА МУРУВВАТ МАСКАНИ

«SOS-Ўзбекистон Болалар маҳалласи»нинг қурилиши лойиҳаси устида иш бошлаганига тўрт йил бўлди, — деди унинг директори Алишер Алиматов «Туркистон-пресс» мухбирига. Бундай қурилишлар ғоясига ярим аср муқаддам Австрия педагог гуманисти Герман Гвайнер томонидан асос солинган ва бутун дунё оммаси томонидан қўллаб-қувватланган эди. Бугунги кунда эса жаҳоннинг турли ерларида бундай маҳаллаларда 60 мингдан зиёд етим болалар тарбияланмоқда.

«SOS-Ўзбекистон Болалар маҳалласи» ҳамдўстлик мамлакатларида 11 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Вильфрид Шикс раҳбарлигида бунёд этилди. Қурилишга сарфланган 2,5 миллион АҚШ доллари «SOS Киндердорф Интернационал» халқаро жамияти жамғармаси томонидан тўланди.

Алишер Алиматовнинг таъкидлашича, болаларнинг соғлиғини шифокор-руҳшунос, педиатр ва дефектолог мунтазам равишда кузатиб туради. Мақсад болалар учун оила муҳитини яратишдир. Бу масканга ёрдам берувчи, қўллаб-қувватловчи ташкилот ва корхоналар ҳам талайгина. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, «Назарбек» маҳалласидаги гулчилик хўжалиги ва ҳатто оддий инсонлар шулар жумласидандир. Шу пайтгача туман ҳокимлиги ва гулчилик хўжалиги болаларга 1000 туп атиргул кўчати ва мини трактор совға қилишди.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга ошириш учун мактаб ва лицейлар ўқувчилари учун янги дарсликлар яратиш ва чоп этишни тубдан яхшилаш борасидаги масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р.Шоғуломов сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбарининг маърузасида илгари сурилган долзарб масалаларга алоҳида тўхталди, тизим корхона ва ташкилотлари жамоалари олдида турган муҳим вазифаларни таъкидлаб ўтди.

Бу масала қўмитанинг етакчи нашриётлари ва матбаа корхоналарининг доимий диққат марказида турибди. Ҳозирги кунда ноширлар ва матбаачилар 2001-2002 ўқув йили учун Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига мувофиқ 362 номда 25,3 миллион нусхадаги дарсликларни режа асосида чоп этмоқда. Бугунги кунгача давлат бюджети ҳисобига ўзбек ва қардош тилларда ўқитиладиган мактабларнинг 1-синфлари учун белгиланган 54 номдаги дарсликнинг 27 номдаги 4 миллион нусхаси чоп этилиб жойларга етказилди. 2-11 синф ўқувчилари учун дарсликлар нашр этиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Айниқса, «Ўқитувчи», «Ўзбекистон» ва «Билим» нашриётлари китобларни юқори навли қоғозларда чоп этишга алоҳида эътибор бераётир.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизда рангли босма маҳсулотлари тайёрлашда хорижий матбаа корхоналаридан қолишмайдиган замонавий босмахоналар барпо этилмоқда. «Растр» қўшма корхонаси ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда китоблар, журналлар, турли бичимдаги йилномалар, плакатлар, рангли альбомлар, реклама нашрлари нафақат республикамиз учун, балки хорижий давлатлар буюртмалари асосида ҳам нашр этилмоқда. Тизимдаги корхоналар ичида асосий экспорт топшириғини ана шу босмахона адо этмоқда. Босмахона жамоасига ўз экспорт имкониятларини янада кенгайтириш ва китобларимизни чет элларда тарғиб қилиш мақсадида бу ишга «Ўзкитобсавдотаъминот» жамоаси тармоқларини ҳам жалб этиш вазифаси юкланди.

(ЎзА).

КЎРШАПАЛАКЛАР

Номини тилга олганимиз бу жонзот фақат коронғу кечаларда овга чиқади. Табиати шунақа. Ёруғликдан қўрқади у. Яқинда Андижон вилоят судида кўрилган суд жараёни бизга ана шу жониворни эслатди. Чунки тўғри йўлдан озган бир гуруҳ кимсалар айни кўршапалак каби коронғу кечаларда изғишиб, ўзларининг қора ишларини бажаришга уринганлар.

Қора ишлари деганимиз эса маҳаллаларни ўзаро бўлиб олиб, дарвоза ва деворлар орқали фуқароларнинг ҳовли-жойларига заҳарли илоннинг ўрнини боса оладиган варақаларни, китоб ва журналларни ташлаш билан шуғулланишган. Бўштоброқ болаларни топиб аврашган, онгини заҳарлашган, ўзларининг ярамас гуруҳларига қўшиб олишга уринишган.

Улар тарқатган варақаларни илон заҳридан заҳарлироқ, зарарлироқ дедик. Боиси, варақалар осойишта ҳаётимизга, эркин меҳнат билан эришаётган муваффақиятларимизга, миллий мафкура ва маънавиятимизга, пок нияту эзгу орзуларимизга очиқ туҳмат билан йўғрилган. Одамлар бу варақаларни ушлашдан, уларда ёзилган бўҳтон гапларни ўқишдан ҳазар қилганлар, албатта. Аммо тунги гуруҳ муайян вақт қора ишини давом эттирган...

Дилшодбек Абдухоликов, Абдулҳай Тошматов, Акрам Ҳайитбоев, Бобур Ёқубов, Шоядбек Воҳидов ва бошқалардан иборат бу гуруҳ аъзолари Абдумалик Назаровни ўз етакчилари деб билганлар. Чилмуҳамедов кўчасидаги 114-уйда яшовчи, ўттизни қоралаган, оилали бу шахс бир марта бурни ерга теккандан кейин жамоатчилик олдида ер ўпиб, тавба-тазарру қилганди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга «кўзим очилди, нотўғри йўлдан бораётганимни англаб етдим», дея ёзма равишда ваъда ҳам берган эди.

Лекин, «заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг» деганларидек, у «Ҳизбут-т-таҳрир»ни яширинча тарғиб қилиш, иродаси бўш ёшларни ўз қармоғига илинтиришни давом эттирди, ҳатто исломнинг асл ғояларига зид бўлган «Ислом низоми»дан сабоқ бера бошлади.

«Ҳизбут-т-таҳрир» илдизига болта урилди

Маълум бўлишича, Назаров бошлиқ гуруҳ аъзолари алданган ёшларни ҳақ йўлдан адаштириб, жаҳолат ботқоғига ботирибгина қолмай, улардан ўргимчак тўрига кўпроқ кишини илинтиришни талаб этганлар.

Қозонга яқинлашсанг — қораси юқар, ёмонга яқинлашсанг — балоси...

Гуруҳ аъзолари шу тарзда чор-атрофга кўринмас тўр ташлаб келганлар. Табиийки, кўп ўтмай чоҳга ағдарилдилар. Уларнинг уйи тинтув қилинганда, фисқу фасодга тўла норасмий варақа, китоб ва журналлар чиққани бежиз эмас.

Илғор жамоа хўжалиги ҳудудида тунги «кўршапалак»ларнинг бундай фаолият кўрсатиб келиши ачинарли ва ажабланарлидир. Лекин юракка таскин берадиган томони ҳам бор: қишлоқ аҳли яширин гуруҳнинг бузғунчилик ишларига бефарқ қарамаган. Ўғли Дилшоднинг қора ниятидан хабардор бўлиб қолган отаси Турғунбой Абдухоликов унинг қулоғидан чўзиб, қаттиқ танбеҳ берган:

— Бу варақалар сенда қаёқдан пайдо бўлиб қолди?! Ҳозироқ кўз олдимда ёқиб юбор, сўнг тегишли жойга учрашамиз.

Мунаввархон Эргашева ҳам ўғли Сирожиддиннинг қўлида «Ҳизбут-т-таҳрир» варақасини кўриб, ўша заҳотиёқ ўзи ёқиб юборган, ўғлини гуруҳ таъсиридан қутқариб қолиш чораларини кўрган. Оқойим Воҳидова ўғли Шоядбекнинг тунда ғойиб бўлиб, тонготарда қайтаётгани сиридан воқиф бўлгач,уни ўз уйига қамаб қўйиш билан жазолади ва берган оқ сутини ўртага қўйиб, хоинлар оқимидан чиқишни қатъий талаб қилди. Ўз ҳовлисидан ярамас варақани топиб олган кўпгина уй эгалари уни милициягa топширдилар, ҳизбутчиларни фош этишни талаб қилдилар. Гуруҳ аъзолари устидан жиноий иш қўзғатилиб, судда муносиб жазо олганларидан кейингина, қишлоқ кишиларининг кўнгли ўрнига тушди.

Мустақил Ўзбекистонимиз буюк келажагини яратишдек улуғ ишларнинг олдинги сафида ёшлар бормоқдалар. Улар халқимиз ишончи, умиди. Қўрғонтепа воқеаси эса гуруч курмаксиз бўлмаслигидан огоҳ этиб, ҳушёрликни бир сония бўлса-да қўлдан бермаслигимиз лозимлигини кўрсатиб турибди.

С.СИДДИҚОВ,
Андижон вилоят судининг судьяси,
М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Огоҳ бўлайлик!

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат инсонни улуғлайди. Боболаримиз айтганидек, меҳнат кишига фақат ҳузур ва яхшилик келтириши даркор. Лекин буни ҳаёт, дейдилар. Истамасак-да, гоҳо иш жараёнида кўнгилсиз воқеалар рўй беради. Билиб-билмай қилинган эҳтиётсизлик оқибатида кимдир жабрланади, азият чекади, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотади. Бундай ноҳуш ҳоллар рўй бермаслиги эса аввало ўзимизга боғлиқ. Хўш, бу борада «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва республика темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитасида қандай ишлар олиб бориляпти?

ИШДАГИ ШИКАСТЛАНИШЛАР

уларни қандай бартараф этиш мумкин?

— Дарҳақиқат, олдимиздаги биринчи галдаги вазифа — компания корхоналарида жароҳатланишларнинг олдини олишдир, — дейди Марказий қўмита раиси Абдулхай Абдураҳмонов. — Шунга эришиш учун биз қатор тадбирлар белгилаганмиз. Жумладан, 1998 йилдан буён Марказий қўмита томонидан «Энг яхши касаба уюшмаси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ҳайъат» кўрик-танловлари ўтказиляпти. Ғолиблар муносиб рағбатлантириляпти.

Ҳақиқатан ҳам бу борада мазкур қўмитада талайгина тажрибалар тўпланган. Мисол учун сўнгги беш йилни оладиган бўлсак, бахтсиз ҳодисалар йил сайин камайганини кўрамиз. Биргина 2000 йилда иш жойларида меҳнат шароитларини яхшилаш, шикастланишларнинг олдини олиш учун 272 миллион сўм маблағ сарфланди. Меҳнат муҳофазаси масалалари Марказий қўмита президиуми ва котибиятда 8 марта кўрилди. Техник нозирлар томонидан 209 иш жойидаги меҳнат шароитлари ўрганилди.

Бироқ меҳнат муҳофазасига ҳамма жойда бирдек масъулият билан қараляпти, деган гап эмас. Уни қуйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараган 36 нафар мансабдор шахсга 159 минг сўм миқдорида жарима солинди. Шунингдек, Қўқон локомотив депосининг хавфсизлик техникаси бўйича муҳандиси бурчини талаб даражасида бажармагани учун вазифасидан четлатилди. Ўрни келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, инсон кучи, имкони етган иш билан шуғулланиши керак. Бироқ баъзи одамлар борки, соғлиғига тўғри келмаса-да, катта маош, имтиёзли нафақани кўзлаб зарарли иш ўринларини танлашади. Охирoқибатда ногирон бўлиб қолишлари мумкинлигини ўйлашмайди. Кўпинча кеч бўлганда хатоларини англашади.

Иккинчидан, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларнинг қандай мақсадларга сарфлангани баъзи корхоналарда назорат қилинмаслиги, мавсумий тадбирлар пухта ишлаб чиқилмагани ҳам ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига салбий таъсир этяпти. Чунки қатор корхоналарда бир хил тадбирлар режалаштирилаверади, тасдиқланаверади. Касаба уюшма қўмитаси эса бунга эътироз билдирмайди. Масалан, Қарши вагон депосининг цехлари эшиклар ўрнатилмаганидан, ойналар қўйилмаганидан қиш ойларида яхши исимади. Ишчилар совуқ хоналарда меҳнат қилишди.

Меҳнаткашга ҳар томонлама қулай шароит яратилган жамоалар ҳам анчагина. Масалан, бултур қиш бошланмасданоқ Самарқанд вагон депосининг иситиш тармоқлари созланди. Аёзли кунларда хоналар яхши исиди. Ҳаракат таркибларини ажратиб, жорий таъмирлаш цехининг равшан ёритилиши таъминланди.

Шунингдек, вагон деполарида ҳар ойда мунтазам «Меҳнат муҳофазаси кунлари», техника хавфсизлигига оид машғулотлар олиб борилаётир. Ўрта бўғиндаги раҳбарлар компаниянинг меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан қабул қилинган янги низомлари бўйича шаҳодатлашдан ўтказилди. Низомларнинг ижроси назорат қилиб борилмоқда. Чорак, ярим йиллик, 9 ойлик якунлар бўйича депо бош муҳандисларининг ҳисоботи тингланади.

Меҳнат жабҳасининг ёзилмаган қонун-қоидалари, синовлари бор. Шунинг учун эҳтиёткорликни, ҳушёрликни асло бўшаштирмаслик лозим. Барчамизга яхши аён, ҳаёт тасодифларга, кутилмаган воқеа-ҳодисаларга тўла. Баъзан арзимаган лоқайдлик, масъулиятсизлик, йўл қўйилган хатолар туфайли содир бўлган жароҳатланишлар катта йўқотишларга сабаб бўлади. Ачинарлиси, Қарши, Сирдарё вагон деполарида кўнгилсиз ҳодисалар камайиш ўрнига кўпайган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар асосан депо ҳудудларида содир этилган. Қаерда шундай кўнгилсизлик рўй берган бўлса, ўша жойда ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз ташкил этилгани, интизомнинг бузилгани, хавфсиз ишлаш борасида ишчиларнинг малакаси талаб даражасида эмаслиги текширишларда аниқланди.

Ўтган йили рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг тўрттаси ўлим билан тугади. Қўқон, Ховос, Қўнғирот, Бухоро вагон деполарида ишчи-хизматчилар жамоадошларидан жудо бўлишди. Ҳолбуки, 1999 йилда Қўқон ва Қўнғирот вагон деполарида биронта ҳам жароҳатланиш қайд этилмаган эди.

Шу каби воқеалар кишини жиддий ўйлантиради. Нима учун 2000 йилда компаниянинг бошқа бўғинларига қараганда вагон хўжалиги хизматида бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар кўп содир этилди? Шунга олиб келган сабаблар нимада? Тўғри, бунга йўл қўйган мансабдор шахс ва айбдорлар жазоландилар. Лекин биргина шу чора ва 2001 йилда меҳнат муҳофазасига шунча миллион сўм ажратдик, дейиш билан аҳволни ўнглаб бўлмайди. Меҳнат муҳофазасига жавобгар киши — хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ мутахассис вазифасини виждонан ва масъулиятни тўлиқ ҳис этиб бажарсагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Юртимизнинг барча қишлоқ ва туманларида аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Ана шундай хайрли ишлар Сирдарё вилоятида ҳам кўнгилдагидек бажарилаётир. Яқинда совотободликлар хонадонида қувончли воқеа бўлди. Яъни, қишлоқ аҳлига «зангори олов»дан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ховос туманининг «Навбаҳор» ширкат хўжалигидаги Совотобод қишлоғида умумий узунлиги 14 км бўлган газ қувурлари 1997-2000 йил мобайнида қуриб битказилди.

Суратларда: газ келиши муносабати билан ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Касабақўм ташаббускор бўлса

Китоб туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишсизларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ширкат касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳҳор Розиқов «Сиваз» қишлоқ фуқаролар йиғини қошида тузилган аҳолини ишга жойлаштириш комиссияси аъзолари ҳамкорлигида фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, хусусий савдо дўконлари ташкил этиш йўли билан 36 нафар кишини иш билан таъминлашга эришди.

УЙ-ЖОЙ МУАММОСИ

ҳал этилиб, ёшлар иш билан таъминланди

Хўжалик бўйича иқтисодий аҳволи ночор бўлган 70 та оила ҳисобга олинган. Бошқарув ҳамда касаба уюшма қўмитаси қарори билан шу оилаларга ўтган йили 106 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, уларга ва уруш фахрийларига шахсий моллари учун хашак бепул тарқатилди. Ногирон, касалмандлар байрамларда гуруч, макарон, гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан бепул таъминланади.

Ўтган йил мобайнида 12 нафар касаба уюшма аъзоси қўмита ёрдамида сиҳатгоҳ, дам олиш уйларига юборилди. 11 нафар ногиронга махсус аравача олиб бериш мақсадида алоҳида қарор чиқарилиб, хўжалик ҳисобидан пул ўтказилди. Ширкат аъзоларининг 90 нафар фарзанди ёз ойларида оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Шуниси диққатга сазоворки, спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам доимий эътиборда. Бултур шу мақсадлар учун 185 минг сўм сарфланган бўлса, 2001 йилга 200 минг сўм ажратилди. Маблағнинг бир қисмига ғолибларни тақдирлаш учун соврин ва эсдалик совғалари олинди.

Шунингдек, байрам ҳамда шодиёналар муносабати билан ширкат аъзолари, фахрийларга дастурхон ёзилади. Наврўз байрами муносабати билан шундай тадбир ўтказилди. Хўжаликда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб нафақага чиққан 35 нафар фахрийга совғалар улашилди.

— Сидқидил меҳнат албатта натижасини кўрсатар экан, — дейди касабақўм раиси. — Биз ўтган йилни 46 миллион 355 минг сўм соф фойда олиб якунладик. Шу даромаднинг бир қисмига шартли суғориладиган жойларга сув чиқариб, деҳқончиликни ривожлантириш, унинг бир чеккасида янги қишлоқ барпо этишни режалаштирганмиз. Шунда кўплаб ёш оилалар уй-жойли бўлади, ўнлаб янги иш жойлари яратилади.

Инсон яхши яшаши ва ишлашига шароит яратилиши эса ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим шартидир.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

Газетхон фикри

МУКОФОТГА ОБУНА

Таҳририятимизга Нурота туман Соп қишлоғидаги 21-таянч мактаби директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Нормурод Ибодов телефон қилиб, бир хабарни айтди:

— Туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан туман мактабларида узоқ вақт ҳалол хизмат қилган педагоглардан беш нафари «Ишонч» газетасига бир йилга обуна қилинди, — деди у. — Бундай эътиборга сазовор бўлганлар орасида Сайёра Қаҳҳорова, Фотима Суннатиллаева, Шоира Сайфуллаева каби тажрибали ўқитувчи ва тарбиячилар бор. Улар касабақўм ҳимматидан беҳад миннатдор бўлдилар.

С. ҚОДИРОВ

ФОЙДА — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА

Қувадаги қандолатчилик фабрикасида 30 хилдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Корхонада маҳсулот турларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш эвазига олинаётган фойданинг асосий қисми ишловчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Ўтган йили ишчиларга 1 миллион 340 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, болалар боғчаларига, мактабларга, кам таъминланган оилаларга, «Қува» футбол клубига жами 5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бундай эзгу ишлар кўламини Оналар ва болалар йилида янада кенгайтириш кўзда тутилган.

А. ТЎХТАСИНОВ.

Мухбиримиз бонг уради

Бозор — ҳаёт кўзгуси. У — юрт маъмурчилигининг мезони. Одатда бозордаги тўкин-сочинликка қараб ўша юрт ҳақида, у ердаги турмуш тарзи тўғрисида фикр юритилади.

Бухорода оилавий пудрат, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда ширкат жамоаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фьючерс шартномалари асосида бозорларга етказиб бериш тажрибаси қўлланила бошлангандан сўнг аҳвол анча яхшиланди.

ФЬЮЧЕРС ШАРТНОМАСИ:

ҚОҒОЗДА БОРУ АМАЛДА ЙЎҚ

Фьючерс шартномаси — фуқаролик ҳуқуқий билимлар жумласига кирувчи муҳим ҳужжат саналади. Уни имзолаш пайтидан бошлаб 10 кун мобайнида харидор сотувчига бўнак тариқасида суғурта тўловини ўтказади. Биринчи суғурта тўлови товар баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Қолган сумма товарни жўнатиш ҳақидаги хабарнома олингандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тўланиши зарур.

Яна бир эътиборли жиҳати Фьючерс шартномаси асосида олинган маҳсулот бозорда арзон нархда сотишга мўлжалланган. Бу ишни асосан бозор тайёрлов савдо бўлими амалга оширади.

Вилоят марказидаги энг йирик ва мудом харидорлар билан гавжум «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти фьючерс шартномалари асосида бозорга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқда. Ўтган йилда бозор маъмурияти 10 миллион сўмликдан ортиқ баҳога тенг шартномалар тузишга эришган бўлса, амалдаги йилда бу кўрсаткични 15-20 миллион сўмга етказиш мўлжалланаётир. Шу боисдан ҳам бу ерда маҳсулотлар ҳам сифатлилиги, ҳам анча арзонлиги билан ажралиб туради.

Ҳиссадорлик жамиятида патта тушумлари йилдан-йилга ошиб бораётир. У 1999 йилда 17,3 миллион, бултур эса қарийб 39 миллион сўмни ташкил этди. Жамоа аъзолари ўз вақтида ойлик маошларини ва дивидент тўловларини олиб турибдилар.

Бухоро, Ромитан, Жондор туманларидаги деҳқон бозорларида эса аҳвол тамомила бошқача. Бу ерда фьючерс шартномалари шунчаки номига — хўжакўрсин учунгина йилига бир маротаба тузилади. Шартнома бандларининг ижроси билан қизиқадиган кишининг ўзи йўқ.

«Галаосиё» деҳқон бозори Бухорои Шарифдан унча олисда эмас. У шаҳарга кираверишдаги асосий магистрал йўл ёқасида жойлашган. Шарқона услубда қурилган бозор дарвозаси ўтган-қайтганларнинг диққатини ўзига оҳанграбодек тортиши табиий. Аммо эски латта-путталар билан ўралган сунъий «девор тўсиқ»ни кўриб, таъбингиз хира бўлади. Бу айқаш-уйқаш расталар тижоратчиларнинг «ихтироси» экан. Наҳотки Бухоро туман марказидаги яккаюягона саналган ушбу бозорни тартибга келтириш, уни кўркам, обод ва ҳавас қиладиган жойга айлантиришнинг имкони бўлмаса?!

Жамият раиси Ҳамид Саноев бизни хушламайгина қарши олди. У киши ўзини янги раҳбар эканлигини пеш қилиб, биздан махсус рухсатнома талаб қилиш билан бир кунни ўтказди. Охири савол-жавоб қилишга тутунди.

Тўрт томони очиқ растада савдо-сотиқ қилаётган деҳқон вакилларини кўриб, тўғриси ачиндик. Яхшигина айвон мавжуд. Лекин уни «тадбиркорлар» илиб кетишибди. Гарчи у ер ҳамон бозор балансида (1,6 миллион сўм) турган бўлса-да, бор йўғи 200 минг сўмга сотиб юборилганлигига ҳайрон қоласан, киши.

Эрталаб соат ўн яримларда бозорда атиги 3 кишига, ҳа-ҳа 3 нафар тадбиркорга патта сотилибди, холос. Тош-тарозиларни ҳам деҳқонларнинг кўпчилиги ўзлари билан бирга олиб келишар экан. Сифат сертификати ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Қарангки, маъмурият 6 та жамоа, 4 та фермер хўжалиги билан (2000 йилда) фьючерс шартномалари тузган бўлса, уларнинг бирортаси йил давомида бир килограмм ҳам маҳсулот етказиб бермаган. Билмадик, бозордаги тайёрлов савдо бўлими нима иш билан шуғулланар экан? Раис уларни Самарқандга картошкага жўнатганини пеш қилди. У кишига шу туманда гектаридан 250-300 центнердан картошка олган хўжалик борлигини айтсак, елка қисди. Анча олисдан енг ичида маҳсулот келтириш афзалдир, балким...

Бозорнинг 12 нафар ходимига 4 минг сўмдан ойлик бериш энди йўлга қўйилибди. Акциянинг салмоқли қисми ҳанузгача сотилмаган. Дивидент тўловлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бозор кўркига доғ тушириб турган, бир вақтлар хўжаликлар ихтиёридаги дўконлар ҳам сотилгани чин ҳақиқат. Лекин уни шахсий мулк қилиб олганлар эса негадир қорасини кўрсатишмайди. Дўконлар (аслида бу ерда арзон маҳсулотлар сотилиши керак эди) эшикларига қулфлар осилган.

Тумандаги «Бухоро» ширкат хўжалиги бошқарувига ҳам эътирозимиз бор. Қолган субъектларни қўя турайлик. Айни шу хўжаликка 48 минг сўм бўнак пули ўтказилган бўлишига қарамай, бозорга маҳсулот келтирилмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Шартнома мажбуриятларининг ижро этилишини таъминламаганлик учун жавобгарлик масаласи бор-ку, ахир.

Фьючерс шартномалари механизмини такомиллаштириш ва унинг ижросини тўла-тўкис таъминлаш учун Ромитан, Жондор туманларида ҳам ҳали кўп ишлар қилиниши талаб этилади. Нима бўлгандаям, шартномалар қоғозда қолиб кетмаслиги керак.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Кейинги йилларда яхши анъана пайдо бўлди. Бунёд этилаётган янги иншоот борки, байрам арафасида ишга туширилмоқда.

Муборак шаҳрида қурилаётган саноат касб-ҳунар коллежи ҳам Наврўз арафасида ишга тушади. Байрам остонада турган шу кунларда «Косонқ-ўриққурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти бунёдкорларининг қўли қўлига тегмайди. Ҳозирга қадар бу ерда 450 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Илгариги иқтисодиёт коллежи тўлиқ қайта таъмирланиб, бутунлай янги, замонавий кўринишга эга бўлди. Айни пайтда сўнгги пардозлаш, ободонлаштириш ишлари давом этяпти.

- Тўққиз юз ўқувчига мўлжалланган янги коллежимизда талабаларга етти хил ихтисос бўйича касб-ҳунар ўргатилади, - дейди коллеж директори О.Хайруллаев. - Муборак - саноат шаҳри. Шу боис бизнинг мутахассисларимиз тезда ўз ўрнини топиши шубҳасиз.

(ЎзА).

Бувайда тумани машина-трактор паркида баҳорги мавсум учун зарур техникаларни ўз вақтида таъмирдан чиқаришга катта эътибор берилди. Бу ерда мавжуд 190 та сеялка, 180 дан ортиқ культиватор ва 160 дан зиёд чопиқ трактор сифатли таъмирланди.

Айни пайтда механизмлар кўрикдан ўтказилиб, хўжаликларга етказиб берилмоқда.

Суратда: механизатор Маъруфжон Мўминов.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚИШЛОҚҚА ҚАЧОН ГАЗ КЕЛАДИ?

Таҳририятга хат

Юқори Чирчиқ туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Иттифоқ» қишлоғида Ўзбекистон толали экинлар тажриба станцияси жойлашган. Айнан шу қишлоқнинг ярим ҳудуди жамоа хўжалигига қарашли.

Бошқача айтганда, «Яхши бузоқ икки сигирни эмади» мақоли худди шу қишлоқ аҳолисига қарата айтилгандай. Нима бўлганда ҳам, уларнинг сабрига қойил қолмай иложингиз йўқ. Бундай дейишимизнинг сабаби бу ерда яшовчилар қишлоққа газ ўтказиш, йўлни асфальтлаш масаласи бўйича бир неча йил югуришди. Аммо фойдаси бўлмади. Тажриба станцияси раҳбарлари бу борада антиқа тажриба ўтказаётганга ўхшайди. Бўлмаса, пойтахтдан 12 километргина узоқликда бўлган жойга газ қувурлари ўтказиш шунчалар қийин эканми? Бу хусусда маҳалла қўмитаси раиси Абдураҳим Умбетов шундай дейди:

— Одамлар газ масаласида кўп жойларга мурожаат қилишди. Натижада қишлоқ хўжалик академиясининг тажриба станциясига газ қувурлари ўтказиш учун 1996 йилда 1 миллион 200 минг сўмлик маблағ ажратилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ бир километрга яқин жойга қувур ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Аммо қувурлар хўжакўрсинга ўрнатилган экан. Чунки ишлар тугалланмай, қувурлар ҳар томонга қийшайиб, оға бошлади. Устига-устак монтажчилар жуфтакни ростлаб қолишди. Қувурлар эса занглай бошлади. Эгасизлик сабабли уларни қирқиб, ташиб кетувчилар ҳам топилди.

1996 йил июн ойида республика газеталаридан бирида «Иттифоқ» қишлоғидаги газлаштириш муаммоси ҳақида танқидий мақола босилиб чиққан эди. Мана, шунга ҳам қарийб тўрт йил вақт бўлибди. Лекин на «Туркистон» жамоа хўжалиги, на тажриба станцияси раҳбарияти бундан хулоса чиқариб олмаяптилар. Дарвоқе, ўшанда газетада қишлоқни газлаштириш ишлари билан 1987 йилдан бери шуғулланиб келинаётгани қайд этилган эди. Орадан 14 йил ўтяпти ҳамки, бу ишнинг охири кўринмаяпти. Юқоридаги ташкилотлар раҳбарлари эса маблағ йўқ, дейишдан нарига ўтишмаяпти. Хўш, ўша пайтда берилган ваъданинг амалийлиги қачон таъминланади? Қишлоқ аҳолиси ҳеч бўлмаганда ана шу саволга аниқ жавоб берилишини истарди.

Розия ТЎХТИЕВА.

Аёллар, Баҳор!

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Ҳаётимиз гуллари — азизу муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизни Хотин-қизлар куни — 8 март байрами билан самимий муборакбод этади.



Барчангизга соғлиқ-саломатлик, аъло кайфият, қутлуғ хонадонингиз-га бахту саодат тилайди. Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекис-тонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги иш-ларингиз баророридан келсин.



Сиз ва фарзандларингиз саломатлигини мустаҳкам-лаш, мазмунли дам олишингиз учун барча қулайлик-ларга эга бўлган оромбахш шифо масканларимиз йил-нинг тўрт фаслида мунтазир!







МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИ

Ҳар йили етмиш кун, Шаввал ойининг бошидан Зул Ҳижжа ойининг ўнинчи кунига қадар дунёнинг барча бурчакларидан турли миллат ва элатларга мансуб мусулмонларнинг вакиллари шоду хуррамлик билан Маккаи мукаррама томон ошиқадилар. Исломнинг бешинчи рукни бўлмиш Ҳаж қилишдек улуғ неъматни адо этиш шарафига муяссар бўлганликлари учун улар Аллоҳ таолога ҳамду-санолар, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга дуруду саловатлар айтиб, ўзларининг миннатдорчиликларини изҳор этадилар, ер юзида тинчлик ва хотиржамлик бўлиши учун дил-дилларидан дуога қўл очадилар. Миллионлаб бўлажак хожилар орасида Ўзбекистон мусулмонлари вакилларини кўриш бизга нақадар ғурур ва ифтихор бахш этади.



Кўп сонли мусулмонларнинг ҳажга боришлари бир томондан Ўзбекистон мустақиллиги ва унда виждон эркинлигининг ифодаси бўлса, иккинчи томондан мамлакатимиз раҳбариятининг ва хусусан муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғани ўғиллари Каримовнинг мусулмонларга кўрсатаётган самимий меҳрибонлигининг исботи ҳамдир. Инсоф билан айтганда, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида ҳажга борувчи фуқароларга Юртбошимиз каби илтифот ва эҳтиром кўрсатилмайди. Ҳар йили муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқади. Бу тадбирлар ҳажга борувчиларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш, зудлик билан сафар ҳужжатларини расмийлаштиришни, ўз вақтида учоқлар билан таъмин этиш, Саудия Арабистонида ибодат арконларини бажариш учун барча шарт-шароитларни олдиндан муҳайё қилиб қўйиш каби ҳожилар учун муҳим бўлган ўнлаб муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилганлиги муборак ҳаж сафарига давлат миқёсида катта аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Шу ўринда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг, «Эзгуликка ёрдам берувчининг савоби эзгуликни амалга оширувчининг савоби билан тенгдир», деган муборак сўзлари ёдга келади.

Ушбу ҳадиси шариф маъносига кўра ислом нуқтаи назаридан Президентимиз, (Аллоҳ у зотнинг умрларини зиёда айласин!) ва унинг сафдошлари неча мингламаб ҳожи бўлиб қайтган ва қайтаётган ватандошларимиз билан баб-баробар савоб соҳиби бўлаётганликларидан башоратдир. Шунингдек, бу «савобни ҳар ким, ҳар доим қилиши керак,» деган сўзларига Президентимиз шахсан ўзлари намуна бўлаётганликларининг амалиётдаги исботи ҳамдир.

Ҳаж — бу дунёда улуғ бир ибодатки, уни виждони пок, имону эътиқоди мустаҳкам мусулмонларгина воқиф бўла оладилар. У ҳам жисмоний ва ҳам маънавий поклониш ибодатидир. У нафақат ибодат, балки бутун дунё мусулмонлари йилда бир марта учрашиб, ўзаро ҳол-аҳвол сўрашадиган буюк байрам ҳамдир.

Зул Ҳижжа ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари Маккаи мукаррамага келган барча зиёратчилар Арофат тоғиқўра, самимий дуолар ижобат бўладиган макондир.

Ҳожиларнинг ибодатлари мақбул бўлиши билан ҳажга кела олмаган бутун дунё мусулмонлари ўз юртларида Зул Ҳижжа ойининг ўнинчи куни тонгда қуёш кўтарилгандан ўн беш-йигирма дақиқа кейин жамоат бўлиб Ийд (ҳайит) намозини адо этадилар, ҳожилар ҳақларига дуо хайрлар қиладилар ва мазкур байрамни муносиб ўтказишга киришадилар.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларидан бошлабоқ мамлакатимиз раҳбарининг одилона сиёсатлари боис, динимиздаги байрамлар давлат томонидан дам олиш куни деб эълон қилиниб, кенг нишонлашга барча имкониятлар яратиб берилди.- Мана ўн йилдирки, барча ватандошларимиз ҳайит кунлари дам олиб

Шукрона

га тўпланадилар. Бу ерда бўлиш ҳаж амалларининг энг асосини ташкил этади. Зеро шу тоғда уларнинг Кабатуллоҳга юзланиб қилган дуолари, илтижолари, тавбаю тазаррулари ижобат бўлади, истак-орзулари ушалади ва «Ҳожи» деган шарафли номга сазовор бўладилар.

Худди шу ерда Ўзбекистон ҳожилари ўлкамизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишини, Юртбошимиз узоқ йиллар соғ-саломат халқимизга йўлбошчилик қилишини, Ватанимизнинг қора ниятли газандаларнинг кирдикорларидан хифзу ҳимоятда сақланишини тилаб, Аллоҳга илтижо қиладилар. Уларнинг бу дуолари ижобат бўлишидан барчаларимиз умидвормиз. Чунки Арофат тоғи, ишончли манбаларнинг хабарига давлатимизга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилиб келмоқдалар.

Мустабид шўролар замонида исломий байрамлар учун юртимизда бундай имкониятлар яратиб берилишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролган эмас. Ҳажга эса, атиги икки-уч нафаргина пешонаси ярқираган ўзбекистонлик мусулмонлар қанчалик қийинчиликлар билан Москва рухсат этгандагина боришга муяссар бўлар эдилар. У замонларда Умра қилишга битта мусулмонга ҳам ижозат берилмаган. Агарда яратганнинг: «Эй, имон келтирган бандалар Аллоҳга, Пайғамбарингизга ва ўзингиздан чиққан йўлбошчиларингизга итоат этинглар» (Нисо сураси, 59-оят) деган буйруғини ҳар бир мусулмон ўз ҳаётида дастуруламал қилиб олиб, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан яратиб берилаётган диний эркинликларнинг қадрига етса, аминмизки, Ватанимизда кундан-кунга ва хусусан, жума ва ийд кунлари оммалашиб бораётган покиза руҳ ва байрамона кайфият имонимизга ҳузур бахш этаверади. Зеро, Аллоҳ Таоло «Агарда менинг берган неъматларимга шукроналар қилсангиз, уларни сизларга янада зиёда қиламан ва аксинча уларни инкор этсаларингиз, билиб қўйингки, менинг азобим ўта шиддатликдир», (Иброҳим сураси, 7-оят) деб шукрона неъмат қилишликка ва куфрона неъматдан тийилишликка даъват этган.

Ҳаж ибодатини ихлосу эътиқод билан бажариб, гуноҳлардан онадан туғма бўлгандек поклониб келган ҳожиларимиз бундан буён бошқаларга ибрат бўлишлари керак. Юриш-туришлари, аҳлоқу одоблари ва гапсўзларида барчага намуна бўлишлари даркор. Шундагина уларнинг ҳам Аллоҳ олдида, кишилар олдида юзлари ёруғ бўлади.

Лутфулло ҳожи НОДИРХОН қори ўғли.

БАҲОР КЕЛДИ БОҚҚА ГУЛНИ ЕТАКЛАБ

Нур, гул оғушида елнинг ўйини,
Ажиб жилваларни кашф этади.
Чуғурлаб қалдирғоч баҳор тўйини
Олқишлаб юксакда табрик битади.
Алвондай товланган лолалар сулув,
Ҳар бир дил нигоҳи бўлур маҳлиё.
Гуллар юзин чайган ариқдаги сув,
Кавсар булоғининг сувидир гўё.
Мўъжизалар сирин шивирлаб боққа,
Қизғалдоқ рўмолин ўпар капалак.
Ёмғирни симирган чексиз борлиққа.
Ҳайрат улашади рангин камалак.

Тамара ХУММАМАТОВА.

Жума ўгитлари

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

ҚАРИНДОШГА МУНОСАБАТ ОДОБИ

Агар қариндошлар билан муомала одоби нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил. Аввал шуки, улар билан алоқа — борди-келдини узмаслик керак, зеро силаи раҳм (яқинларни сийлаш) пайғамбар суннатидир. Ва бу умрни узайтиради. Иккинчидан (қўлдан келса), маблағ билан уларга кўмаклашиб туриш. Учинчидан, уларнинг хурсандлигини баҳам кўриш ва ғаму андуҳидан қайғуриш. Тўртинчидан, мадад бериш пайтида, ўзини олиб қочмаслик. Бешинчидан, ҳар қанча жафо кўргузсалар ҳам, уларга жафо қилмасдан, аксинча, вафо ва меҳрни канда қилмаслик. Олтинчидан, уларнинг душманлари билан ошночилик қилмаслик. Еттинчидан, уларнинг молу мулкига қасд қилмаслик, чунки агар қариндошлар молига кўз олайтирсанг, номусинг, қадринг кетказасан.

Форс-тожик тилидан НАЖМИДДИН КОМИЛОВ таржимаси.

Бойчечак

НУРЛАР ЁҒАР ШЕЪРИМДАН

Бойчечак баҳор даракчиси, яхшилик элчиси. Қорли тоғлар бағридан бош кўтарган бу гулни одамлар «омон-омонлик» дея суюниб кўзга суртиб, тавоб этадилар. Назм бўстонида бироз ҳаёланиб, ҳайрат ва яна қатъият билан қадам босаётган ижодкорлар ҳам адабиётга янги насимлар, кўкламлар олиб келаётган яхшилик даракчиларига ўхшайдилар. Уларнинг шеърларини «Бойчечак» рукни остида доимий бериб боришни ният қилдик. Илло, «Ишонч»да кўз очган бойчечаклар умри боқий бўлсин!

ЁШЛИК

Чечаклар ўсади босган изидан,
Уфорлар таратар жийда гулидан,
Лайлилар уйғонар нозли сўзидан
Алплар сув ичади ҳар кун қўлидан.
Ёшлик — юракларда кўкарган баҳор,
Қалбларни қуёшга кўтарган наҳор.

Чақмоқлар чақнайди оташ кўзидан,
Тонглар нур ўғирлар ойдек юзидан.
Тоғлар эргашади «қайтмас изидан»,
Пўлатдек тобланар олов ўзидан.
Ёшлик — ўт-оловга айланган юрак,
Мардни майдонларга чорлаган тилак.

* * *

Шеъриятдир умрим дуру гавҳари,
Йўқдир шеърдан ўзга зеру зеварим,
Сўзлар қасри оташ қалбим меҳвари,
Ватан, халқим жондан суйган севарим.

Кулганимда нурлар ёғар шеъримдан,
Куйлаганда дурлар ёғар шеъримдан.
Ўтмишда чекилган хўрликлар ҳаққи,
Бугун эрку ҳурлик ёғар шеъримдан.

Нозигул ТОҲИРОВА,
Шофиркон туманидаги
40-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Шу йилнинг 30 апрелидан 5 майгача Жиззах шаҳрида «Баркамол авлод спорт ўйинлари» 1-Республика мусобақаси ўтказилади.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА СПОРТ МАЖМУИ

Бундай нуфузли мусобақанинг Жиззахда ўтказилаётгани бежиз эмас. Кейинги вақтларда шаҳарда бир қанча йирик ва замонавий спорт иншоотлари қад ростлади. Спорт-соғломлаштириш ишларини барча туман ва шаҳарларда, қишлоқ ва маҳаллаларда ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Вилоят ҳокимининг «Ҳар бир маҳаллага бир спорт мажмуи тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, маҳалла ва қишлоқларда спортнинг энг оммавий турлари билан шуғулланишга имкон берадиган мажмуалар барпо этиш учун ер майдонлари ажратилмоқда. Иншоотлар қурилиши ҳашар йўли билан амалга оширилади. Уларда футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ташкил этилади.

(ЎзА).

Республика радиоси 1 мартдан бошлаб «Дўстлик» радиоканали орқали уйғур тилидаги эшиттиришларини бера бошлайди. Хозирги пайтда бу канал орқали ойига 131 соат давомида рус, қозоқ, қирғиз, тожик, татар-бошқирд ва қрим татар тилларида ахборот-мусиқавий дастурлар эфирга узатилмоқда.

ЭФИРДА УЙҒУРЧА ЭШИТТИРИШ

Ўзбекистонда бир неча ўн минг уйғур миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Республикамизда кўп миллатли халқимиз баҳамжиҳат ва аҳил яшаши, ҳар бир миллат вакили бошқалар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши учун кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Уйғур тилидаги дастур «Дўстлик» каналида эрталаб 8.30 дан 9.00 гача давом этади. Тингловчилар эътиборига сўнгги янгиликлар, мавзули эшиттиришлар, мумтоз, замонавий, миллий уйғур куй-қўшиқлари ҳавола этилади.

НИКОҲ ТЎЙИ ҚЎШИҚЛАРИ

Барҳаёт удумлар

(Боши ўтган сонда).

«Келин ўтирсин» ва «куёв ўтирсин» маросимлари икки томонда — ҳам келинникида, ҳам куёвникида ўтказилади. Бу айтимлар келин билан куёв чимилдиққа олиб кирилганда ижро этилади. Ёшларга бахту давлат, фаровон турмуш, аҳиллик ва тотувлик тилаб, баъзида уй-жой, боғ-роғ, мол-ҳолни бағишлаб, уларни ўтиришга даъват қилинади. Ҳозирда бу хилда мерос «ҳадя қилиш» фақат оғизда айтиладиган бўлиб қолган, амалда эса «ваъда қилинган» нарсалар имкон доирасидан ташқарида бўлиб, уларни бериш шарт қилиб қўйилмайди. Жумладан:

Куёвтўра ўтирмаса,
Уйларни бердим.
Қозиқда кишнаган
Дулдулни бердим.
Қафасда сайраган
Булбулни бердим.
Ҳовлида очилган
Оқ гулни бердим.
Ўтирсинлар куёвтўра.

«Келин ўтирсин» айтимларида келиннинг ҳусну жамоли, ҳунарлари, фазилатлари таърифланади, унинг сиймосида қурилаётган янги оилага тотувлик, мустаҳкамлик тиланади. Баъзан ҳазил, қочиримлар билан унга тегишиб ҳам олинади:

Оппоқ упадай келиним,
Майдон супадай келиним.
Ҳусни Самарқанддан келган
Кўнглимдагидай келиним.
Келинпошша ўтирсинлар.

Самарқанд ва Бухоро никоҳ тўйларидан келин ва куёвни чимилдиққа олиб киришдан олдин саломномалар ўқилади. Саломномалар ҳам Оллоҳга, пайғамбар ва азиз авлиёларга салом бериш билан бошланиб, хонадон аҳли, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ва келин-куёвга салом бериш билан ниҳоясига етади.

Келин ва куёвни шарафловчи «Хуш келибсиз!» айтимлари ҳам мавжуд бўлиб, улар куёв келинникига, келин эса куёвникига келганда ижро этилади. Бу қўшиқлар куйланаётганда келин ёки куёв устига турли-туман сочқилар сочилади.

Шодлик тўла уйиз бўлсин,
ой келин!
Беҳад ўғил-қизиз бўлсин,
ой келин!
Йилда ўғил тўйиз бўлсин,
ой келин!
Иззату обрўйиз бўлсин,
ой келин!

Ассалом, эй янги меҳмон,
Меҳрибон, хуш келдингиз!
Айлайин молим нисору
Дилга жон, хуш келдингиз!
Жон куёв, жонон куёв,
Бўйларингдан ўргилай!
Раҳмати Ҳаққа йўғрилган
Тўйларингдан ўргилай!

Ризолашув бадиҳалари узатилаётган қизнинг отаси ёки онасига, ота ёки онанинг узатилаётган қизга айтиладиган розиризоликлари, билдирадиган дуотилакларидан иборат.

Бундан ташқари, куёвнавкарлар машъала ёқиб, куёвни келинникига олиб бораётганда «Ҳуёбале» ва «Анталҳо» сингари махсус қўшиқларни бақириб-чақириб куйлаб борадилар. Улар жарлар ёки жар қўшиқлари деб юритилади. Тўй олқишлари эса келин ва куёв шаънига айтиладиган узундан-узоқ дуо-тилаклардан иборат. Бу қўшиқ ва айтимлардан ҳар қайсисининг маросимда ўз ўрни, ижро усули ва ўзига хос жозибаси бор. Тўйларимизда миллий асос кучаяётган, қадимий анъаналарга кенг ўрин берилаётган ҳозирги даврда бу қўшиқларни ўрганиш ва ижро этиш маънавиятимизни бойитишга, ёш авлодни ота-боболаримизнинг ибратли ва ҳамиша барҳаёт удумлари руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Эргаш ОЧИЛОВ.

Маънавият масканларида

Жомбой туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги раҳбари Барот Нодиров кутубхонага 100 та китоб тақдим этди.

РАИСНИНГ ТУҲФАСИ

— Қўшним ҳар кўрганида «Сенга нима зарил, беш чақирим йўл босиб, кутубхонага қатнайсан, ярим кун вақтинг кетади, шу ўқиган китобларинг қорнингни тўйдирармиди?» — дейди. Нима ҳам дердим, ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди.

Уй бекаси Хуршида Қодирова Жомбой туман маданият бўлимига қарашли 25-қишлоқ кутубхонасида навбатдаги китобларни олаётганида айтиб қолди бу гапни.

Хуршида опа кутубхонанинг доимий шинавандаларидан. 8500 донадан ошиқ китоб жамғармасига эга бўлган мазкур кутубхонанинг 700 нафардан ортиқ ўқувчилари бор. Феврал ойининг ўзида уч юздан ошиқ китобхонга хизмат кўрсатилибди. Кутубхонада «Оналар ва болалар», «Миллий меросимиз — маънавий бойлигимиз», «Оила даврасида мутолаа», «Алишер Навоий» тарғибот бурчак ва кўргазмалари ҳам жой олган. Китобхонлар билан турли мавзуларда учрашувлар, баҳс-мунозаралар ўтказиб турилади.

— Яқинда 30-ўрта мактаб жамоаси билан ҳамкорликда буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан китобхонлар анжуманини ўтказдик, — деди кутубхона мудираси Мавлуда Исматова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Китоб инсон руҳиятига маънавий озуқа беради, кўнгил кўзини очади, уни эзгуликка, хайрли ишларга чорлайди. Шу боис бўлса керак, китобхонларимдан Р.Исматова ёзувчи М.Мансурнинг «Жудолик диёри», Б.Исломов «Сароб»ни ва Ў.Усмоновнинг «Гирдоб», Маҳмуджон Ражабов эса Т.Маликнинг «Шайтанат» асарларини кутубхонага совға қилишди. Раисимиз Барот ака Нодировнинг ҳиммати барчамизни қувонтирди. Юз дона китоб тақдим этди у киши. Буни пул билан ўлчаб бўлармиди? Хуллас, бултур китобхонлар кутубхонамизга 200 донадан ортиқ китоб тортиқ этишди. Яна бир гап. Қишлоқ аҳли ҳар қандай янгилик ва хабарни аввало кутубхонадан билиб олишади. Сабаби, йигирмадан ортиқ газета-журналларга обуна бўлганмиз.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.35

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6